ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 4 (231) | 2001 йил 24 январ, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, ўн йиллик мустақил тараққиёт ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз - истиқлол айёмини кенг нишонлаш юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини юксалтиришда, олдимизда турган буюк мақсадлар сари сафарбар қилишда беқиёс аҳамият касб этишини, истиқбол режаларини ана шу ҳақиқатни чуқур англаш асосида белгилаш заруратини инобатга олиб,

Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш бўйича дастур тасдиқлансин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора, уюшма ва жамғармалар мазкур дастур асосида тегишли маънавий-маданий, маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
4. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларини ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

- миллий давлатчилигимизнинг кўпминг йиллик тарихини, мустақиллик йилларида унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш, буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, улар яратган фалсафий таълимотларни ўрганиш ва зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш;
- мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини, озодлик йўлида ота-боболаримиз асрлар давомида кураш олиб борганини миллий истиқлол ғояси асосида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш;
- ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий меросга ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмунини кенг таҳлил этиш;
- истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиққанини, халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилганини, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишини чуқур асослаб бериш.

5. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги /ЎзА/, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг 10 йилллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.
6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 19 январь.

«Фарзандларимнинг полвон бўлишини истайман»

- Мустақил юртимиз қонунларига таяниб, «Бухорбек» фермер хўжалигини ташкил этдим, - дейди Бобоназар полвон. - Ўтган йил мухбирлар мени «Минг қўйли бой» деб ёзишди. Сал хижолатга тушсам-да, ростини айтадиган бўлсам, улар ҳақ эдилар: янги минг йилликда хўжалигимиз янада кенгайди, қорамолларимиз сони 300 тага етди. Қишлоқда яшайдиган полвонлар отсиз туролмайди, қаерда бир довруқли от дарагини эшитсам, бориб кўраман... ўнгга яқин от асраяпман, агар иш билан бўлиб, учтўрт кун уларни кўрмасам - соғинаман.

Мўъжазгина сурат-ҳикоямиз қаҳрамони - Бухоронинг Жондор туманида туғилган Бобоназар Чориевни кўпчилик полвон сифатида танийди: узоқ йиллар давомидаги шиддатли курашлар ҳамон минглаб мухлисларнинг қалбида, хотирасида эъзозланади. У бугунгача ҳам курашдан, мураббийликдан ажрамади. Самбо, дзю-до ва миллий кураш бўйича мамлакатимизнинг етти бор чемпиони Бобоназар айни йигит ёшида. Беш фарзанднинг отаси, аёли Мўмина Остонова ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс беради.

Ахил, қудратли, тўкин оила бағрида мамлакатимизнинг бўлажак жаҳон чемпионлари ҳамда ибратли қизлари вояга етмоқда.

Р. РАУПОВ.

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- Конституцияни ўрганиш кенг қулоч ёзмоқда.
- Оқсоқол маблағни еб кета оладими?

3-саҳифасида:

- Катта Чилонзорнинг катта муаммолари.
- Уст-бошим хорижий, курсдошларим орасида тилим узун эди... гиёҳвандга айланишимдан аввал...
- Юқори қаватдаги қўшним уйимга сув бостириб юборди. Мен нима қилай? Сўранг, билиб олинг!

4-саҳифасида:

- Жиҳод нима, байъот нима, муждаҳидлар ким? Фозил қори Собиров яхшилик гулшанига чорлайди.
- Марғани — Навоий яшаган маҳалла.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ҚОНУН – УСТУВОР РАҲБАР

Шавкат ЎРАЗАЕВ,
академик, юридик фанлари доктори.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш дастурини яратиш ва махсус ўқув курсини ишлаб чиқиш бўйича комиссия раиси

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлай туриб, жумладан шундай деган эдилар: "Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-сиёсий ҳаётини... Конституциясиз тасаввур этолмайди. Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди".

Шу фикрларини давом эттирар экан, давлатимиз раҳбари минг афсус билан кўпчилигимиз Конституцияни яхши билмаслигимизни, синчиклаб ўрганмаганлигимизни таъкидлаб ўтдилар. "Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишга жавоб топишимиз мумкин" деган масалани ўртага ташлади Президент.

2001 йилнинг 4 январида эълон қилинган Президентнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши аслида давлат ёки Парламент ёхуд бошқа сиёсий институтларнинг эмас, айнан биз - фуқароларнинг манфаати йўлида қилинган ишдир.

Нега энди Конституцияни ўрганиш бугунда долзарб бўлиб қолди, деган савол туғилади. Бунга жавоб эса битта: фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини таниши, олдидаги бурчини тўла-тўкис англаши аввало Асосий қонун ҳисобланмиш Конституцияни билишдан бошланади. Бу вазифа эса доимо долзарб эди, бундан кейин ҳам долзарблигича қолади. Ҳуқуқий демократик жамият қураётган эканмиз, бундай жамиятда раҳбар куч яккаю ягона бўлиши керак - бу Конституция ва қонунлардир. Бирор бир амалдор ёки раҳбар шахснинг хоҳиш-иродаси, ҳукми эмас, айнан Конституция ва қонун ҳужжатлари жамиятда устувор ва собит бўлмоғи керак.

Фармойиш эълон қилингандан кейин Конституцияни ўрганишни ташкил этиш бўйича 21 кишидан иборат комиссия тузилди. Олдимизда турган вазифалар, ўйлаб қарасак, жудаям кўп экан. Бу ҳужжат ақлу шуурига, онгига етиб бориши лозим бўлган одамлар аудиторияси эса ниҳоятда кенг экан. Бу давлат ва нодавлат ташкилотлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, якка тартибда меҳнат фаолияти билан машғул бўлган ижтимоий қатламдан тортиб, уй бекаси, пенсионер, мактабгача ёшдаги болалар орасида тарғибот-ташвиқот, ўқув ишларини олиб бориш дегани. Бинобарин, комиссия таркибига "Маҳалла" жамғармасининг киритилгани ҳам шу маънода бежиз эмас. Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда, якка тартибда меҳнат қилаётганлар орасида ҳужжатларни изчил ўрганишни ташкил этиш бир қадар осон туюлади. Лекин аҳолининг ижтимоий фаол бўлмаган қатлами - уй бекалари, пенсионер қариялар, кўчага чиқолмайдиган ногиронлар орасида уни қандай тарғиб қиламиз, аҳолининг бу қатламига Конституция илмини қай шаклда етказамиз? Айнан шу масалаларда бизга маҳаллалар ёрдам беради, деб умид қиламан. Бундан келиб чиқадиган вазифа эса маҳалла оқсоқолларининг ҳам ҳуқуқий билим-савиясини оширишдан иборат бўлади. Оқсоқол қандай одам бўлиши керак, деб баъзида сўраб қолишади. Шу ўринда мен оқсоқол замон талаб қилаётган барча тараддудларга ҳозиру нозир бўлиши керак деб ўйлайман. Зеро, маҳалланинг оқсоқоли - бу ўша ҳудуднинг отаси - ақлнинг кўзи деган гапдир.

Кўп ҳолларда шундай бўладики, оддий маиший ёки бошқа муаммосини ҳал этолмаган одам ҳе йўқ, бе йўқ, дарҳол ҳокимга ариза кўтариб киради. Нега судга эмас, нега энг яқин дардкашимиз ҳисобланмиш оқсоқолга эмас, айнан ҳокимга шикоят билан арз қилинади. Ахир шунинг ўзи ҳам ўз ҳуқуқини ҳимоя қила билмаслик эмасми?

Халқимизнинг кўнгли тўқ бўлаверсин - Конституциямиз дунё конституциялари орасида анча мукаммал, пухта ишланган ҳужжатлардан ҳисобланади. Менинг шахсан ўзим ҳам уни тайёрлашда иштирок этганман. Бу ҳужжат қарийб 1991-1992 йиллар давомида ишланди, ярим йил унинг муҳокамаси бўлди. Шу қисқа даврда фуқаро ва юридик шахслардан 6 мингга яқин таклиф тушди. Эсимда 80 тадан кўп таклифлар ҳисобга олинганди. Кўпгина моддаларни ишлашда Президентнинг ҳам изчил, фаол қатнашгани, у кишининг ўзи таҳрирлар қилганига гувоҳ бўлганман. Заҳматли меҳнатимиз зое кетмаган экан, мана саккиз йилдирки, Конституциямизга деярли ўзгартиришлар киритилмай собитқадамлик билан амалда қўлланилиб келаётир. Асосий ҳужжатимиз ҳар томонлама пухта-мукаммал ишлангани туфайли унга ҳеч бир ажнабий журналист ёки сиёсатшунос эътироз билдиролмаган.

Масалан, Асосий Қонуннинг 1-моддасини олинг: **"Ўзбекистон - суверен демократик республика"** дейилади унда. Бир қарашда тўрттагина сўздан иборат бўлган оддий жумладек туюлади. Лекин, ўз вақтида лойиҳа муҳокамасида шу модданинг ўзига юзлаб таклифлар киритилганди. "Халқ давлати", "Халқ демократик давлат" деган атамалар тавсия этилганди. Бироқ изчил муҳокамалардан кейин "суверен демократик республика" атамасида тўхталдик. "Суверен" сўзи халқаро қабул қилинган атамаларда мустақил деганидир. Кейин бу давлат монархия ёки бошқача эмас, республика мақомида эканлигини уқтиради. Шунингдек, Конституциямизнинг яна бир оламшумул аҳамияти шундаки, унинг 105-моддасида илк бор маҳалла сўзи тилга олиниб у ўзини ўзи бошқариш органи сифатида эътироф этилди. Қаранг, миллий истиқоматчилигимиз тизимига 1992 йилдаёқ жиддий эътибор берилган ва катта умидлар боғланган.

Конституцияни ўрганиш деганда авваламбор мана шу ўз ҳақ-ҳуқуқимиз ва бурчларимизни англаш тушунилади. Олдимизда турган масала уни халқ турмушининг энг қуйи қатламигача етказиб беришни таъминлашдан иборат. Бу хайрли ишда эса жамоатчилик фикри шаклланадиган маҳалла фуқаролар йиғинининг ғайрат-шижоатига кўп нарса боғлиқ.

ТАШАББУС ЎЛМАСИН, ТАШАББУС!

КОНЦЕПЦИЯ: «XXI АСР МАҲАЛЛАСИ» У ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг қўшма мажлисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг қўшма мажлисини Қўмита раиси А.Саидов кириш сўзи билан очар экан, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлисида барча соҳаларда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни, демократик ўзгаришлар, давлат қурилиши, иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида изчил боришимизни давом эттириш лозимлиги алоҳида таъкидлангани тўғрисида сўзлади.

(Давоми 2-бетда.)

ҚЎМИТАНИНГ ЯНГИ ҲАРАКАТИ: «ҲАР МАҲАЛЛАГА БИР СПОРТ МАЖМУИ»

Тўғриси, авваллари Парламентнинг қандай фаолият билан шуғулланишини кўпчилик яхши билмасди. Йилда бир неча марта сессия ўтказиш ва қонунларни тасдиқлашдан ташқари деярли бошқа тадбирга ваколати йўқдай туюларди. Ҳозирги қўл қовуштириб ўтириб бўлмайдиган даврда эса Олий Мажлис қўмиталарининг қатор-қатор ташаббуслар билан чиқаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, Ёшлар ишлари қўмитасининг ташаббуслари жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олаётганлиги яққол сезилмоқда.

«Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи». Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва яна бир қанча нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда таъсис этаётган ҳаракатнинг номи шундай аталади. Бундай ғоя юзага келганидан, тўғриси, жуда қувондик. Чунки, улғайиб келаётган фарзандининг бирор бир спорт турига қатнашишини ким истамайди?

(Давоми 2-бетда.)

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

Мухолифат томони билан толибонлар ўртасида бораётган бир неча йиллик бироддаркушлик уруши янги-янги қочоқлар армиясини вужудга келтирмоқда. Ҳозир афғон қочоқлари дунёдаги энг кўп қочоқлар армиясини ташкил қилади. Биргина тожик-афғон чегарасининг ўзида 10 минг нафарга яқин улар. Жаҳон озиқ-овқат идорасидан Холид Мансурнинг айтишича, ташкилот 83 минг қочоқни озиқ-овқат билан таъминлаяпти. Марказий туманларга маҳсулот етказиш учун анча қийин бўлмоқда. Ночор қолганлар Ватанларини ташлаб ўзга юртларга кетиб қолмоқдалар.

***

Нефть етказиб берувчи давлатларнинг яқинда Венада бўлиб ўтган йиғилиши ОПЕКка аъзо бўлган мамлакатлар бундан буён кундалик «қора олтин» қазиб олишни 1,5 миллион баррелга камайтиришга қарор қилган. Бу билан улар нефтга бўлган талабни пировардида унинг нархини оширишни мақсад қилиб қўйишган. Чунки нефтнинг нархи ўтган йилнинг декабрида анча тушиб кетган эди.

***

Мисрда Яқин Шарқ масаласига бағишланган Исроил ва Фаластин ишчи гуруҳлари ўртасида кўп кунлик музокаралар бўлиб ўтмоқда. Музокаранинг кун тартибига чегара ҳақидаги, қочоқларнинг келажаги ҳамда Қуддуснинг мақоми ҳақидаги масалалар қўйилган бўлиб, ахборот агентликларининг хабарларига Қараганда бу жараён жуда қийин кечмоқда.

***

Филиппиннинг янги президенти собиқ президент Ж.Эстрадани мансабини суистеъмол қилгани, порахўрлиги ва бошқа айблари учун судга берган. Унинг ишини текшириш учун беш кишидан иборат гуруҳ тузилган. Шунингдек собиқ президентнинг ҳамтоқларини ҳам маҳкамага тортиш ҳам мўлжалланяпти, уларнинг мамлакатдан чиқишлари таъқиқлаб қўйилган.

***

Исроилда давлат хизматчиларининг иш ташлашлари давом этмоқда. Улар маошларини оширишни талаб қилмоқдалар. Ҳукумат вакилларининг билдиришича бунга ҳеч асос йўқ, чунки инфляция нолга тенг эмиш.

***

Россиядаги меҳнатга яроқли аҳоли орасида (яъни: 16 ёшдан 60 гача бўлган эркаклар ва 16-55 ёшгача аёллар) ўлим 80-йилларнинг иккинчи ярмидагига қараганда 55 фоиз ўсганлиги ҳақида маълумот беради «Труд» газетаси. Яна шу газетага кўра ўтган 2000 йилнинг ўзида 129 127 йўл-транспорт ҳалокати рўй бериб, уларда 24 минг киши ҳалок бўлган ва 150 мингдан ортиқ киши жароҳатланган.

***

Яқинда матбуотда Қирғизистон президентининг давлат хизматчилари этикаси асослари тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Унга кўра ҳукумат идораларининг барча бўғиларида этика комиссиялари тузилиб улар амалдорларнинг фармонда кўзда тутилган қоидаларга қандай риоя қилаётганларини шунга кўра амалга лойиқ ёки лойиқ эмасликларини муҳокама қиладилар. Фармонда шунингдек амалдорлар тадбиркорликда, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ишларида қатнашишларга, митинг ва намойишларда иштирок этишлари таъқиқланган.

***

Кейинги вақтларда Қозоғистонда ҳукуматга қарашли бўлган матбуот органларининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга зўр бериб ҳаракат қилинмоқда. Шу йўлда ўнлаб мустақил газета ва журналлар ёпиб қўйилди. Энди ҳукумат аҳолини Интернетдан фойдаланишни ҳам чеклашга интилмоқда - дейилади «Озодлик» радиоси тарқатган хабарда. Ҳозирги кунда 50 мингга яқин киши (бу мамлакат аҳолининг бир фоиздан камроқ) интернетдан фойдаланмоқда экан.

***

Шу ҳафтадан бошлаб Чеченистонда иқтисодий қўпорувчиликка қарши курашнинг иккинчи босқичи бошланган. Бу кураш асосан рангли металлар ва нефть маҳсулотларини мамлакатдан олиб чиқиб кетилишини олдини олишга қаратилган. Сўнгги вақтларда юқоридаги маҳсулотларни четга чиқариш кўпайган ва бу ишда баъзи бир ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ҳам иштирок этаётганликлари кузатилаётган эди.

«Биз кимга буйруқ берамиз, кимнинг топшириғини бажарамиз?» 2001 йил 10 январ сони

МУНОСАБАТ ✦ ОҚСОҚОЛ, У ҚАНДАЙ, ОДАМ БЎЛИШИ КЕРАК?

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

«Mahalla» газетаси биз оқсоқоллар, умуман ўзини ўзи бошқариш тизимига алоқадор ҳар бир киши учун ўзига хос баҳслашув, келишув, танишув жойига айланиб қолган.

Мен Қибрай шаҳарчасидаги Фурқат маҳалласи оқсоқоли Толиб Тўраев куйинчаклик билан кўтарган муаммоларни барча маҳалла оқсоқолларининг кўнглидаги гаплар деб ҳисоблайман. Ҳақиқатдан ҳам маҳалла оқсоқоли кимга буйруқ беради, кимнинг топшириғини бажаради? Юзаки қараганда, бу соҳада ҳеч қандай муаммо йўқдек. Аммо фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида маҳалланинг тараққиёти ва унинг муаммоларини ҳал қилиш масаласи маҳаллий давлат органларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида қатъий белгиланган: « Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар. Уларнинг ишларига аралашишга йўл қўймайдилар. Фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар». Қонун нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, у маҳалла ҳаётини, оқсоқолнинг кимга буйруқ бера олишию, кимнинг топшириғини бажариши кераклигини белгиловчи омилдир. Назаримда, ҳамма жойда ҳам қонунга амал қилинаяпти, деб бўлмайди. Бунинг оқибатида айрим жойларда маҳалла тараққиёти бир жойда депсиниб тургандек. Бундан ташқари, маҳалла оқсоқоли ва котибига, маҳалла посбонларининг сардорларининг ойлик маошини бевосита Оқсоқоллар кенгашининг туман бўлимларидан берилишини йўлга қўйиш лозим. Маҳаллаларга маҳаллий тушумлардан ўзининг молиявий улушидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини таъминлангандагина маҳаллаларнинг тадбиркорлик борасида ҳам ўзларини ўзлари бошқаришлари учун шароит яратилган бўлади. Назаримда жамиятда, фуқароларимиз ҳаётида маҳалла ўрни ғоят аҳамиятли. Маҳалланинг жамиятнинг таянчи бўлишдек муҳим вазифани уддалаши учун биринчи галда юқоридаги масалаларнинг ечимини топиш керак.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
Республика Оқсоқоллар Кенгаши аъзоси,
Ҳамза туманидаги Нодира номли маҳалла оқсоқоли.

Шахсий, ўта шахсий фикр

НАЗАРИ БАЛАНД БЎЛСИН

«Mahalla»ни доим ўқиб бораман. Ундаги оқсоқолнинг ким, қандай одам бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрларни ўқиб, деярли барча фикрларга қўшиламан.

Аммо ўзимнинг оқсоқоллик фаолиятимга илк бор киришган кунларимдаги биринчи дуч келган воқеа менга тинчлик бермайди. Ва мен ўта шахсий фикримда доим собит бўлиб қолдим. Негаки, бугун кўплаб маҳаллалардаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳаётидаги норозиликлар, турли жойларга бўлаётган ёзди-чизидилар, борингки, маҳалла фаолларининг икки - уч гуруҳга бўлиниб бир-бирини қоралашларнинг бош сабаби ҳам шу деб ўйлайман. Ҳа, мен бу фикримда, маҳалла оқсоқоли моддий ёрдамга муҳтож бўлмаслиги керак демоқчиман. Бир эътибор беринг-а, қаердаки норозилик бўлса, албатта бунинг сабабларидан асосийси турли моддий тақсимотларга боғлиқ бўлади.

Хўш, ўшанда нима бўлган эди? Маҳалламизда оқсоқол, унинг ишчи фаоллари ҳаётидан норозилик, тарафкашларнинг тортишувлари сира тўхтамади. Охир оқибатда оқсоқол ўз вазифасидан озод қилинди. Кўпчиликнинг тавсияси билан мени оқсоқолликка сайлашди. Тўғриси, мен бу ишга фақатгина одамлар билан ишлаш масъулияти туфайлигина рози бўлдим. Чунки менинг моддий аҳволим анчагина дуруст, ҳозир ҳам ўз севимли машғулотим туфайли даромадим чакки эмас эди. Бунинг устига бу ерда қандайдир моддий манфаат бор-йўқлигини тасаввур қила олмасдим. Шу туфайли аввалги оқсоқол атрофида «фаол бўлганлар»дан бир-иккитасини таклиф қилиб, ҳеч бўлмаса моддий ёрдам ва нафақаларни тақсимлаш йўл-йўриқлари ҳақида ёрдам сўрадим. Шунда улар менга шундай насиҳат қилишди: «Сиз ҳам ёш раиссиз, 50 фоизу 50 фоиз қилманг-да, 70 фоизу 30 фоиз қилинг!». Аввал тушунмадим, кейин изоҳ беришди. Тушундим, кимки белгиланган пулнинг 30 фоизини менга яъни ўша тақсимловчиларга қолдиришга рози бўлса, ўшаларнинг номи «ведомость»га ёзилар экан. Тўғриси, уларнинг маслаҳатидан ҳам, ўзларининг фаолиятидан ҳам воз кечдим.

Мен оқсоқолман, оқсоқоллар номига айтилган ҳар қандай салбий фикр менга ҳам тегиб кетади. Афсуски, бундай гапларни эшитиб, чидаб келяпмиз. Яқинда бир оқсоқолнинг турли тадбирларни баҳона қилиб, ҳар бир моддий ёрдам олувчидан 500 сўмдан олиб қолиш «тажрибаси» ҳақида эшитдим. Бу фикрларимни ўқиб, баъзи бир мутасаддилар менинг қимлигим ҳақида қизиқиб, исботлаб берсин деган даъволарни ўртага қўйиши мумкин. Менинг кимлигим маълум - оқсоқолман. Исботини эса оқсоқол ҳаётидан қидирсин.

Оққа кўчирувчи: МУХБИРИМИЗ.

✦ ТАҲРИРСИЗ ХАТ

«MAHALLA» – МАҲАЛЛАГА МОС БЎЛСА

Бозор муносабатлари шароити ҳар бир соҳа ходимларидан жонкуярликни, ташаббускорлик ва изланувчанликни талаб қилмоқда. Бу хусусан, бугун тўртинчи ҳокимият деб юритилаётган матбуот соҳаси ходимларини ҳам аямаётганлиги рост. Барчамизга маълумки, обуна мавсумида ҳар бир соҳа нашри ходимлари ўз мухлислари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилишади.

Биз ўз ўзини бошқариш идораси ходимлари ҳам иқтисодий етишмовчиликларни ҳисобга олган ҳолда кўпчилигимиз соҳа нашри «Mahalla» газетасига обуна бўлганмиз. Аввало билдираётган фикрларимизни таҳририят ходимлари тўғри тушунишларини илтимос қиламиз:

Бугунги кунда давлатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат газета саҳифаларида бир оз саёз ёритилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан амалга тадбиқ этилаётган фармон ва қарорлар тўлалигича берилиб борилмаётир. Натижада «Mahalla» газетасида бошқа газетага обуна бўлмаган маҳалла фаоллари бошқа газетани қидириб юришга тўғри келмоқда. Шунингдек, газетада танқидий руҳдаги таҳлилий мақолалар кам. Газетада бирёқламалик ҳукм суриб қолган. Газета «Mahalla» деб номланиши биилан фақат ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритиш билан чегараланиб қолмоқда. Маҳаллалар фаолияти билан алоқадор бошқа ташкилотларда исталганча муаммолар ҳақида чиқишларга ўрин йўқ дейсизми?

Шуни алохида таъкидламоқчи эдикки, намунали маҳаллаларнинг иш фаолияти ҳақида таҳлилий мақолалар бўлса бутун Республикадаги маҳаллалар газета орқали тажриба алмашишлари шубҳасиз.

Яна қуйидаги таклифлар билдирмоқчиман:

1. Ўзини ўзи бошқариш органлари саналмиш маҳалланинг ички тузилмаси қандай бўлиши керак. Унинг таркибий қисми унда фаолият кўрсатиши лозим бўлган фаоллар таркиби ҳақида йўл-йўриқ кўрсатилиб, шу асосда иш тартиби ва ҳужжатлари талаб қилинса:

2. Маҳалла тузилмасида фаолият кўрсатаётган бўлимлар, масалан, хотин-қизлар ташкилоти ва унинг фаолияти, иш режаси, дастури, керак бўлса қарорлари намуна тарзида берилса, биз маҳалла фаоллари шундан андоза олиб иш юритсак.

Самарқанд шаҳар «Мир Саид Барака» маҳалла қўмитасининг раиси Абдураҳмон АЗИМОВ.

Таҳририятдан: Биз «Mahalla»нинг маҳаллага мос ёки мос эмаслиги масаласида фикр билдирмасдан, буни муштарийларимиз эътиборига қолдириб, бу ҳақда фикр-мулоҳазалар кутамиз. Таклифлар эса ҳар доимгидек биз учун фойдали бўлади, деб ўйлаймиз.

КОНЦЕПЦИЯ: «XXI АСР МАҲАЛЛАСИ»

У ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

(Боши 1-бетда)

Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида айтилганидек, сиёсий соҳада, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодий, маънавий, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан бир қанча дастурлар маъқулланган ва ана шу дастурларни рўёбга чиқариш йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, Сиёсий соҳада давлат ва жамият қурилиши жабҳасида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги дастурда «XXI аср маҳалласи» концепциясини қабул қилиш ҳамда ушбу муҳим ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифалари ҳам белгилаб берилган.

«XXI аср маҳалласи» концепцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ҳуқуқларини ва бажарадиган вазифалари доирасини кенгайтириш ҳамда давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш ва умуман, маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишни кўзда тутади. Қўшма мажлис кун тартибидаги биринчи масала сифатида киритилган Концепция лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Республика Оқсоқоллар Кенгаши раиси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқаруви раиси Ш.Жалиловнинг ахбороти тингланди. Концепция лойиҳаси бўйича барча вилоятлардан, олим ва мутахассислардан кўплаб таклифлар келиб тушгани, ана шу таклифларнинг аксарияти «Mahalla» газетаси саҳифаларида мунтаззам равишда эълон қилинаётганлиги қайд этилди. Сўзга чиққанлар Концепция лойиҳасини маъқуллаб, уни муҳокама давомида тушган таклифлар асосида маромига етказиш, шунингдек,ушбу лойиҳани оммавий ахборот воситаларида кенг кўламда тарғиб ва ташвиқ этиш лозимлигини таъкидладилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ.

ҚЎМИТАНИНГ ЯНГИ ҲАРАКАТИ:

«ҲАР МАҲАЛЛАГА БИР СПОРТ МАЖМУИ»

(Боши 1-бетда)

Бу ташаббускорларнинг ғояси ҳаётимизда амалга ошгувдек бўлса, ҳар маҳаллада, яъни бизнинг маҳаллада ҳам спорт мажмуи барпо этилиши муқаррар. Дарвоқе, бу ҳаракат лойиҳасида кўплаб спорт турлари қатори катта теннис ҳам эслатиб ўтилади. Хусусан, катта теннис, баскетбол, волейбол, футбол, стол теннниси, шахмат-шашка спорт майдони барча маҳаллалардан топилиши мумкинлиги таъкидланади ҳаракат лойиҳасида. Шунингдек бу ҳаракат баҳонасида маҳаллалардаги ўзига тўқ, давлатманд кишиларнинг ҳомийлиги ҳам асқотиши табиий. Бу баробарида эскидан ишлаб турган спорт майдонларини таъмирлаш, янги жиҳозлар билан таъминлаш имконияти ҳам туғилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи» ҳаракати ёшлар орасида касалмандлик, гиёҳвандлик, безорилик, турли оқимларга аралашиш, қўйингчи оддий бир бекорчилик иллатлардан ҳимоя қилади. Қолаверса, болалар орасида ана шундай оммавий тадбирларини ўтказиш уларни жамоат ишларида фаоллигини, ўй-фикрлари теранлашишини оширади. Бу ҳолатни биз ўтган йили республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан маҳаллалараро ўтказилган футбол мусобақаларида кузатган эдик. Жамоатга изчил қўшилишни билган, кўпчилик орасида ўз фикр ғояларини, эркин ифода этолган болалар эса, шубҳасиз, Ўзбекистон келажагидир.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш керакки, «Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи» ҳаракати аллақандай номаълум кун ва санадан эмас, 2001 йилнинг 1 февралидан бошланади. Юқорида номи келтирилган ташаббускор гуруҳлар спорт мажмуи барпо этилиши мумкин бўлган барча маҳаллаларни ўрганиб чиқади. Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг шу ташаббусни бошлашга бағишланган йиғилишида мазкур ҳаракатнинг дастлабки, яъни ташкилий ишлари кўриб чиқилди. «Келинглар, биз турли сабаб ва ноқулайликларни муҳокама қилиб ўтирмасдан, бу ҳаракатни бошлайлик, - деди қўмита раиси Азамат Зиёев. Шундан сўнг «Маҳалла» жамғармаси мутасаддилари ҳамда йиғилишга таклиф этилган мутахассислар бу ишни бошлаш имкониятлари мавжуд эканлигини эътироф этишди. Йиғилишда иштирок этган Тошкент шаҳри оқсоқоллари вакиллари эса ўз маҳаллалари намунасида бу ҳаракатни бошлаш ниятлари борлигини билдиришди.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Аъло баҳо олсам, маҳалламда ҳам эъзоздаман.

28 январда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпаниясини тузиш тўғрисидаги фармонни имзолаганига 9 йил тўлади.

ИСТИҚЛОЛ ҚАНОТЛАРИ

Мустақилликнинг дастлабки ойлариданоқ мамлакатимиз раҳбарияти фуқаро авиациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганига жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Буни миллий авиакомпаниямиз рамзи туширилган кемалар Амстердам ва Афина, Бангкок ва Бирмингем, Дакка ва Амритсар, Деҳли ва Куала-Лумпур, Лондон ва Шаржа, Жидда ва Москва, Санкт-Петербург ва Киев, Новосибирск ва турли қитъаларнинг бир қатор ҳаво масканларига мунтазам қатновларни бажармоқда. Яқинда Бахрейн ва Осака (Япония)га мунтазам қатновлар бошланади. 1999 йилда авиакомпаниямиз 1 миллион 709 мингдан зиёд йўловчини манзилига етказган бўлса, 2000 йилда ташилган йўловчиларимиз сони 1 миллион 800 мингга етди. Парвозларни бошқариш марказимизга тенг келадигани МДҲ давлатларида йўқ.

Тўққиз йиллик қисқа муддат ичида МАК муайян ютуқларга эришди. Масалан, Авиация хавфсизлиги халқаро жамғармаси «O'zbekiston havo yo'llari»ни махсус диплом билан мукофотлади. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича Европа сифат сертификати МДҲда биринчи бўлиб миллий авиакомпаниямизга топширилди. Бир қатор мамлакатларда миллий авиакомпаниянинг муваффақиятли иши қайд этилди. Масалан, Исроилда фаолият кўрсатаётган авиакомпаниялар орасида айнан «O'zbekiston havo yo'llari» энг яхши авиакомпания деб топилди. Юк авиаташувлари борасида эришган муваффақиятлари учун МАКга Шаржада бўлиб ўтган халқаро конференцияда махсус диплом топширилди. «Евромаркет-2000» анжумани ўтган йили икки марта ўтказилди ва ҳар иккаласида ҳам «O'zbekiston havo yo'llari» ва унинг раҳбари «O'zbekiston havo yo'llari» МАК бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Арслон Ғоипович Рўзметов «O'zbekiston havo yo'llari» билан ҳамкорлик қилиши ҳам авиаходимларимиз меҳнатига берилган муносиб баҳо дейиш мумкин. «Люфтҳанза», «Дельта», «Эйр Франс», «Кореан Эйр» ва «Асиана», бир қатор бошқа компаниялар юртдошларимиз ўз ишининг устаси эканини тан олишмоқда.

Ўзбекистон фуқаро авиацияси раҳбари Арслон Рўзметов айтганларидек: «XXI аср - бу оддий вақт ўлчови эмас, бу илғор технологиялар, юқори тезлик, янги дунёқарашлар асридир». Ана шу технология, тезлик ва дунёқараш «O'zbekiston havo yo'llari» тизимида ўз ўрнига эга бўлаётганига миллий авиакомпаниянинг барча бўғинларида меҳнат қилаётган оловқалб инсонларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. МАК ташкил этилганининг 9 йиллиги муносабати билан имзоланган буйруққа биноан кўплаб авиаходимлар юксак мукофотларга сазовор бўлишди.

Туғилган кунинг муборак бўлсин, «O'zbekiston havo yo'llari!»

Машҳура ТЎХТАМИРЗАЕВА.

бозор иқтисодиётига ўтиш даврида компания эришган ютуқлари учун махсус соврин билан тақдирланди.

Дунёга машҳур бир қатор компаниялар

ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРЛАРИ МАҲАЛЛА ТАШВИШИДА

Шу кунларда БМТнинг Тараққиёт Дастури асосида Ўзбекистонда СПИД касаллиги тарқалишининг олдини олиш соҳасида махсус Лойиҳа тайёрланаяпти.

Маълумки, ўта хавфли ва тез тарқалувчан бу касаллик жаҳон миқёсида анчагина тез тарқалмоқда. Касалликни даволаш услублари эса ҳали тиббиёт ходимлари томонидан ечилмаган. Сир эмас, касаллик ҳар хил йўллар билан Ўзбекистонга ҳам кам миқдорда бўлса-да, кириб келган. Демак, бунинг ривожланиб кетишига қарши кураш чораларини кўриш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Ана шу ҳақда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Ш.Жалилов ва БМТ Тараққиёт Дастури томонидан тайёрланаётган махсус Лойиҳанинг саломатликни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси Юки Нисенининг ўзаро мулоқотида шу мавзуда сўз борди.

Учрашув чоғида маҳаллалар аҳолиси ўртасида СПИДнинг олдини олиш чораларини тарғиб қилиш учун зарур дастурларни, услубий кўрсатмалар ва тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва молиялаш масалалари муҳокама қилинди. биринчи қадам сифатида «Маҳалла зиёси» Республика ўқув марказида тарғиботчиларни тайёрлаш учун мўлжалланган ўқув семинарлари ўтказиш зарурлиги қайд қилинди.

Р.БОБОЖОНОВ.

✦ «МАҲАЛЛА ДАРСХОНАСИ» ТАВСИЯЛАРИ АМАЛДА

АМАЛИЙ ИШГА КИРИШИЛДИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажариш юзасидан Андижон вилоятининг маҳаллаларида амалий тадбирлар бошлаб юборилди.

Асосий Қомусимиз ҳажм жиҳатидан мўъжаз бўлса ҳам, мазмунан шу қадар кенг қамровлики, унинг ҳар бир моддасида олам-олам маъно-мазмун бор. Шунинг учун Конституцияни бир-икки ўқиш ёки эшитиш билан бутун мазмун-моҳиятини фикран қамраб олиш мушкул. Унинг ҳар бир сатри, моддасининг моҳиятини чуқур англаб олиш учун ҳар томонлама фикр юритиш, мустақил мамлакатимиз ҳамда жаҳондаги бошқа давлатларнинг ҳаётида юз бераётган турли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий жараёнларни билиш, уларни таққослаб кўриб жонли мушоҳада-мулоҳаза қилиш талаб қилинади.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, унинг шаҳар ва туманлардаги бўлинмалари вилоятимиздаги барча мавжуд шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари билан ўзаро яқин ҳамкорликда фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш мақсадида белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Жумладан, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан ишлаб чиқилган «Маҳалла халқ университетларининг намунавий Низоми» асосида Жамғарманинг шаҳар ва туман бўлинмаларига, шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясини бевосита аҳоли ўртасида ўрганиш мақсадида «Маҳалла халқ дорилфунуни»ни ташкил этиш тавсия этилди. Унинг тингловчилари сифатида маҳалла фаоллари, нуроний отахон-онахонлар, нафақахўрлар, уй бекалари, тадбиркорлар, хотин-қизлар ва ёшлар ихтиёрийлик асосида оммавий жалб этилади. Машғулотларнинг сермазмун, сифатли ва тингловчилар ҳаёти билан узвий боғлиқ равишда, юқори ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтказишни таъминлаш мақсадида «Оила-маҳалла-мактаб» ҳамкорлиги концепцияси асосида, маҳалла ҳудудидаги мактаб, ўқув юртлари педагогика жамоалари, эл орасида танилган зиёлилар, юқори тоифали ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар жамоатчилик асосида жалб этилади.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан белгиланган бошқа қатор чора-тадбирлар, шунингдек, унинг ташкилий томонлари жамғарманинг шаҳар, туман бўлинмалари, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари иштирокида ўтган амалий семинарда атрофлича муҳокама этилиб, унинг ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларида ҳаётга тадбиқ этиш ҳақида келишиб олинди ва тегишли тавсиялар берилди.

Аминжон СОЛИЕВ,
Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти бўлимининг раиси.

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА

КАТТА ЧИЛОНЗОРДАГИ ЖАНЖАЛ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Таҳририятга Тошкентнинг Чилонзор туман 1-Катта Чилонзор маҳалласи фуқаролари томонидан ёзилган шикоятлар телефон орқали ва таҳририятга келиб билдирилган оғзаки арз-додларга уланиб кетди. Шиқоятга имзо чекувчиларнинг сони йигирмадан ошса, шу шикоят йўлланган мутасадди ташкилотлар сони ўндан ортиқ.

Шикоятни ўрганиш жараёнида билишимизча, қарийб 1999 йилдан буён шикоятчилар бир неча мутасадди ташкилот ва идораларни узлуксиз безовта қилиб келмоқдалар ва бу давр ичида жойларга шикоятчилар устидан ёзилган шикоятлар ҳам етиб борган. Биз шикоятни ўрганишга сарф этган вақтимиз мобайнида шикоятчилар таҳририят ходимларини «тартибсизлик»да, «кимларнингдир гапига кириб, атай сусткашлик қилиш»да айблаб улгуришди. Газетамизда таҳририятга келган ҳеч бир хат эътиборсиз қолмайди, деган таъкидларимизга урғу бериб, ўз сўзига ўзи амал қилмайдиганликда айблашди. Тўғрисини айтсак, газетамиз газета бўлгандан буён бу каби «улгуржи» шикоятни кўрмаганди.

Хўш, йигирмадан ортиқ фуқарони шикоят ёзишга ундаган сабаблар нима? Улар ўз маҳаллалари оқсоқоли Мурод Султонов ва унинг баъзи фаоллари фаолиятидан тамоман қониқмайдилар, уларни бир қатор қўпол хатоларга кўр-кўрона йўл қўйганликда айблайдилар. 1-Катта Чилонзор маҳалласи билан боғландик, оқсоқол меҳнат таътилида экан. Уйидан топармиз, деб боравердик. Фавқулодда ҳодиса - яқинда маҳаллада юз берган қотиллик юзасидан туман, шаҳар ички ишлар бошқармалари ўтказаётган йиғилишнинг устидан чиқдик. Табиийки, оқсоқол биз билан бафуржа гаплашолмасди. Мақсадимизни айтишимиз билан у бизга Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси иштирокида ўтган маҳалла фуқаролар йиғилишининг баённомасини тутқазди. Баённомада русча баён қилинишича, кун тартибида: «Разбор жалоб граждан махалли поступивших в хокимият» масаласи кўрилган. Унда ёзилишича, 2000 йил 7 февралда туман халқ назорати ва прокуратураси томонидан ўтказилган текширувларда аниқланган қўпол хато ва камчиликлари учун 1-Катта Чилонзор маҳалласи оқсоқоли М.Султоновни вазифасидан озод этиш тўғрисидаги Чилонзор туман ҳокимининг 2000 йил 27 мартда имзолаган 404-рақамли қарорини ва фуқаролар - Х.Мараимов, Т.Ҳамидова, А.Сотволдиева ва Ж.Эргашевлардан тушган шикоятни (баённомада шикоятнинг мазмуни келтирилмайди) ўқиб эшиттирилган. Сўнгра баённомада ёзилишича, кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққанлар А.Аристархова (моддий ёрдамлар тақсимоти билан шуғулланувчи комиссия аъзоси), М.Макарова, С.Нарзуллаева, А.Йўлчиев, Н.Солодовлар М.Султонов нақадар олийжаноб инсонлигини, маҳалла учун кўп яхши ишлар қилганини, собиқ маҳалла оқсоқоли М.Магзумовга қараганда жуда яхши ишлаётганини, шикоятчилар унга қуруқ туҳмат қилишаётганини айтишади. Фақат устидан шикоят ёзилган раис ва котиб имзолаган мазкур баённомада яхши ишларнинг айнан нималардан иборат эканлигию, шикоятнинг мазмуни ва ундаги айнан қайси фактлар туҳмат эканлиги, шикоятчиларнинг сўзи қайд этилмаган. Тахминимизча, йиллаб давом этаётган бу можаро давомида оқсоқолнинг тарафкашлари ҳам анча жипслашган! Бу фикримизни, мазкур баённома, оқсоқол бошчилигида туман ҳокими номига йигирмадан ортиқ фуқаро имзоси билан битилган шикоятчилар устидан ёзилган шикоят хати тасдиқлайди. Энг ажабланарлиси, 2000 йил 23 апрелда 30 нафар фуқаро иштирокида яна бир йиғилиш бўлиб ўтади. Кун тартибида: «2000 йил 19 апрелда ҳокимиятдан келган «текширув гуруҳи»нинг ҳаракатларини баҳолаш». Баённомада айнан «Оценка действий прибывшей так называемой «комиссии» от Чиланзарского хокимиата», деб ёзилган. Яъни, маҳаллага фуқароларнинг шикояти асосида текширувга келган текширув гуруҳининг ҳаракатини муҳокама қилиб, уни нотўғри деб баҳолаб, оқсоқолни кўкларга кўтариб, «...здесь хозяева мы» каби иборалар билан мажлис баённомаси ёзиб, туман ҳокимига шахсан топшириш учун «Проект письма»ни қабул қилишади.

Шикоятчилардан бири Жўра Эргашев - II гуруҳ ногирони. Бир неча йилдан буён маҳалладан моддий ёрдам олиб келади. 2000 йил II квартал учун моддий ёрдам олувчилар рўйхатига киритилган. Апрел, май ойлари учун моддий ёрдам олган. Июн ойи учун ёзилган «ведомост»да Ж.Эргашевнинг фамилияси олдига оқсоқолнинг «ошибочно» дея имзоси қўйилган ва моддий ёрдам берилиши тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ уч ой учун расмийлаштирилганига қарамай июн ойи учун Ж.Эргашевга моддий ёрдам берилмаган. Нима учун? Аввало нега Ж.Эргашевга узлуксиз (бундайлар бир неча) моддий ёрдам кўрсатилади? Ва нега бирдан тўхтатилади? Ж.Эргашев бунинг сабабини ўзига берилган моддий ёрдамдан оқсоқолга тегишли қисмини бермай қўйганлигим, деса, оқсоқолнинг бу борадаги изоҳи қуйидагича:

- Жўра Эргашевга шунча йилдан бери одамгарчилик юзасидан, соғлиғи ёмон бўлгани учун моддий ёрдам бериб келардим. У менинг яхшилигимни билмай мени «ўғрисан» дея ҳақорат қилди. Шундан кейин мен шахсан моддий ёрдам берилишини тўхтатдим. У эса нимага бундай қилдинг, дея менга мурожаат қилгани йўқ. Агар менинг олдимга келиб, айбига иқрор бўлганида эди, моддий ёрдамни тиклаган бўлардим... Ана, холос.

Қаранг, икки қарама қарши фикр бир-бирига қанчалик яқин?!

М.Султонов ёки вакола-ти доирасига қандай вазифалар киришини билмайди, ёки билиб туриб...

Шикоят хати бўйича барча фактларни тўлиқ текширишнинг имкони бўлмади, сабаби: маҳалланинг моддий ёрдамга тегишли кўпгина ҳужжатларининг 2000 йил июл ойидан буён туман прокуратурасида «ётганлиги». Раиснинг гапи бу. Умуман олганда, оқсоқолнинг бу идорадан ҳужжатларни талаб қилмаётгани ҳам тушунарли, сўраганларга жавоб қайтариш осон, бунинг устига ҳужжатлар ҳам кўздан йироқда бўлади. Чунки бу ҳужжатларнинг тўғрилигига ўзи ҳам ишонмайди. Биз кўрган ҳужжатларнинг кўпчилиги чалаярим тўлдирилган. Бизни яна одамларнинг йиллаб узлуксиз моддий ёрдам олиши, моддий ёрдамни тақсимловчи комиссияга киручи кишиларнинг оила аъзолари исми-шарифлари рўйхатда тез-тез учраши, шундай гумонга чоғлади. Комиссия фаолиятининг деярли йўқлигини раснинг гапларидан ва далолатномаларда моддий ёрдам олувчининг бор-йўғи маоши ҳақидагина маълумотлар борлигидан ҳам билса бўлади.

Шикоятга сабаб бўлган бошқа ҳолатлар ҳам бор. Энг қизиғи, оқсоқол маҳалла ҳудудида жойлашган нонвойхонани ижарага бериб, эвазига нонвойдан 10000 сўм нақд пул олганлиги ва қайсидир айёмда бир фуқаро «Байрамга ишлатинглар» дея бергани - 6000 сўм нақд пулни икки ой муддатдан кейин прокуратура талабига биноан маҳалла ҳисоб рақамига ўтказганини айтиб, тўлов қоғозини кўз-кўз қилиб мақтанмоқчи бўлади. Оқсоқол бу пулнинг шикоятдан, прокуратура аралашувидан сўнг ўтказилганидан мақтаниш эмас, хижолат бўлиши керак эмасми? Бундан ташқари нонвой Р.Қодиров ҳам ўзи шикоят ёзиб, оқсоқол деярли ҳар куни текинга бир нечталаб нон олишини, уйида қандайдир тадбир бўлганда олган 30 дона нон учун пул тўламаганлигини айтади. Оқсоқол эса яна шикоят ва текширувдан кейин «Тўғри, олганман 30 та нонни. Энди пулини берсам нонвой олмаяпти», деб зорланиб юрибди. Оқсоқол бундай муносабатни обрў-эътиборининг зўрлигидан деб билар балки?

Оқсоқол котиби Шокарим Обидхўжаевдан нолигани-нолиган. Нима эмиш, ҳужжат тўлғизишни билмас эмиш, хати хунук эмиш, шу боис у маҳалланинг рўйхатлар китобини уйига олиб кетиб хотинига ёздирар экан. Маҳаллага борган пайтимизда моддий ёрдам сўраб ҳужжат топширган фуқаронинг исми-фамилияси умуман рўйхатдан ўтмай қолиб кетганлиги юзасидан бўлаётган жанжалнинг устидан чиқдик. Оқсоқол котибни, котиб, оқсоқолнинг хотинини айблашмоқда. Аянчли ва кулгули ҳол!

Оқсоқолнинг асл касби - врач. Ёши 73 да. Маҳаллада бир неча йилдан бери давом этаётган шикоятбозлик ва гуруҳбозлик оқибатида унинг ободлиги, тозалиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш бу борадаги масъул С.Исмоилованинг раисга тарафкашликдан ортмаслиги туфайли йўқ ҳисобида.

Биз 1-Катта Чилонзор маҳалласида кечаётган воқеаларга мулоҳаза нуқтаи назаридан ёндошдик. Мутасаддилар ниҳоят, бу ерда тартиб ўрнатишга киришишни лозим топсалар, эслатиб қўймоқчимиз: у ерда чигал масалалар, ечилмаган муаммолар ҳали жуда кўп.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

ЎРНАК ЎРНИДА

ЯНГИОБОДДА ЯНГИ ОДАТ

Ҳамза туманидаги Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси этиб Хурсанд ҳожи Тожиахмедов сайланганидан кейин йиғин идорасидан кун бўйи одамлар оёғи аримай қолди.

Йўқ, гап бу ерда одамларнинг маҳалла билан боғлиқ ишлари кўпайганлиги ҳақида эмас. Аксинча, маҳалла аҳли бу ерга келадиган турли хил майда-чуйда гаплар, хусусан олди-қочди ёки бир-бировларининг устидан арзгўйлик қилиш ўрнига маданий-маърифий тадбирлар иштирокчилари бўлишмоқда.

Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш қўмитаси раиси ҳожи она - Муҳаббат Раҳимованинг айтишича, бу

тадбирларда айниқса аёллар фаол. Яқинда маҳаллада «Қайнонам - онам, келиним - болам» деб номланган тадбир ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Нилуфар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева раҳбарлигидаги санъаткорлар меҳмон бўлишди. Туман ҳокими ўринбосари Озода Каримова ва тиббиёт ходимларининг маърузаси тингланди.

Эртаси куни эса шу зал маҳалла эркаклари билан лиқ тўлди. Учрашувда машҳур шоир, ёзувчи ва етук олимлар Нормурод Нарзуллаев, Жўравой Икромов, Наримон Ҳотамов, Сафар Барноев, Икром Отамуродов, Аҳмаджон Долимовлар иштирок этишди.

АНЖУМАН

БОЛА АЗИЗ...

Куни кеча 2001 йил - «Оналар ва болалар йили» муносабати билан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Ёшлар тарбиясида маънавий баркамол онанинг ўрни» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда бола тарбиясида онанинг психологик саводхонлигининг аҳамияти, онанинг маҳалладаги, оиладаги ўрни, она маънавиятининг бола тарбиясидаги роли мавзуидаги институт проректори, профессор А.Маврулов, Республика илмий-амалий Оила маркази директори В.Каримова, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Йўлчиеваларнинг мазмунли маърузалари ёшларда катта тассурот қолдирди.

М. ҚУРБОНОВА.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

МЕНГА ИШОНИНГ, МАҲАЛЛАДОШЛАР!

Ҳеч кимнинг сенга ишонмаслигини ҳис қилиб яшаш қанчалик оғир эканлигини бошимдан кечириб турибман.

...Оилада олти ўғил эдик, мен кенжа бўлганим учун анча эрка ўсдим. Мактабни тугатгач, акам Самарқанд саноат-иқтисод коллежига ўқишга киритиб қўйди. Шаҳар муҳитида мени тергайдиган, юриш-туришимни назорат қиладиган одамларсиз ўзимни бутунлай эркин сездим. Ўрта мактабдаёқ ўқишга қизиқмас эдим. Шунинг учунми, коллежда ҳам баҳоларим яхши эмасди. Ўзимни кўрсатишни, бошқалардан ажралиб туришни хоҳлардим. Баҳоларим билан мақтана олмаганим учун кийинишда, юриш-туришда бошқалардан ажралиб туришга интилдим. Қишлоққа борганимда отам берган пулга тоқат қилмай, онам, акаларимдан ҳам сўрардим. Ҳар доимгидек, сўраганимни дарҳол тутқизишарди. Қандай кийим урф бўлса, биринчи бўлиб мен кияр эдим. Уст-бошим хорижий, курсдошларим олдида тилим узун...

Бир куни курсдошларимиз билан ётоқхонада ошхўрлик қилмоқчи бўлдик. Орамизда бир меҳмон бола бор эди. Бунгача «яримта»га ўртоқ бўлиб улгургандик. Ошни еб, ароқ ичдик. Чекким келиб, чўнтагимдан тамаки олдим. Меҳмон бола «менда додаси бор» дея,киссасидан «Беломорканал» олди. Кулишдик. Лекин чиндан ҳам тамакининг мазаси, тутуни бошқача, ёқимлироқ эди. Чекишгач, ўзимни гўё учиб кетаётгандек сездим, тўйиб-тўйиб кулдим... Банги бўлиб қолганимни кейинроқ тушундим. Оғу мени бутунлай ўз измига солганди...

Ўқишни битириб, қишлоққа қайтдим. Уйлаб қўйишди. Қўшни маҳалладаги бангиникига бориб, хуморимни босиб келардим. Сиримни дастлаб хотиним билиб қолди, кейин бошқалар. Мени даволанишга жўнатишди.

Даволаниб чиққанимдан буён ҳатто сигаретга тоқатим қолмади. Ҳаммаси изига тушиб кетгандек. Аммо маҳалладошларим олдида «банги» деган исноддан бошим эгик. Ҳанузгача ҳатто уйимдагиларни «ташлаганимга» ишонтиролмайман. Қаергa борсам, албатта зимдан кузатиб юришади. Ҳеч ким менга ишонмайди...

Ёзиб олувчи
Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МАҲАЛЛА, ОИЛА, МАКТАБ:

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Чинакам оқилона таълим онгимизни ҳам, хулқимизни ҳам ўзгартиради.

М.Монтен.

Юртимизда ёшларни маънавий соғлом, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш йўлида мустаҳкам замин яратилган. Таълим-тарбия тизими қайта қурилди, янги маъно ва мазмун касб этди, давр талаби даражасига кўтарилди. Комил инсон келажагига дахлдор дастурлар ишлаб чиқилди. Бунинг боиси бор. Келажаги буюк давлат қурилиши баркамол авлод тарбиясига, билимига, маънавиятига боғлиқ. Тарбия эса, аввало оиладан бошланади. Ота ва она ўз фарзандининг камолини кўриш ниятида тинимсиз елади, югуради. Ҳаётини бахшида этади. Сўнг тарбия - маҳаллада, мактабда шаклланади, ижтимоий муҳит таъсирида тобланади. Шарқона урф-одатлар, анъаналар, инсоний қадриятлар қалбидан мустаҳкам ўрин олаборади. Жамият талабларига жавобгарлигини ҳис этади.

Мактаб маҳаллада жойлашган. Унинг ўқувчилари маҳалла фуқароларининг ўғил-қизлари. Демак, мактабда таълим-тарбия борасида қўлга киритиладиган ютуқларда ҳам, йўл қўйиладиган хато ва камчиликларда ҳам маҳалла фуқаролари йиғини раҳбарлари масъул. Шунинг учун ҳам маҳалла оқсоқоллари, фаолларининг бир қадами мактабда. Ҳар бир ишдан улар хабардор. Мактабларда ўтказиладиган кўпгина тадбирларга улар бошчилик қилишади. Прокуратура, суд, ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида «Қонун ҳамма учун баробар», «Гиёҳвандлик - зарарли иллат», «Ҳуқуқингизни биласизми?» «Ҳушёрлик - давр талаби» каби мавзуларида ўтказилган давра суҳбатлари, баҳс-мунозара кечаларининг ташкилотчиси ҳам маҳалла оқсоқоллари бўлишди. Дарҳақиқат, туман прокурори Н.Бобожонов, терговчи О.Қўлдошев, ички ишлар бўлими ходимлари Ш.Эсонов, Ю.Жўраевлар маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда мактабларда тез-тез бўлиб, қонунбузарликка йўл қўймаслик чоралари тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Маҳалла йиғини билан мактаб маъмурияти ҳамкорликда ўтказаётган турли кўрик-танловлар ҳам жамоатчилик эътиборини қозонмоқда. «Энг яхши оила», «Йил мактаби», «Энг илғор ўқувчи» кўрик-танловларида Пулҳоким, Н.Аъзамов номли, Хўжабулғон, Оби, Чорчинор, Даштиғоз, Қўрғонча маҳалла фуқаролари йиғинлари билан мактаблар жамоалари мустаҳкам ҳамкорликда эканликлари яққол намоён бўлди. «Маҳалламиз болалари» республика телевизион танловида Оби ҳамда Н.Аъзамов номли маҳалла аҳли ўз маҳоратини кўрсатишди.

Ҳамкорликда - ҳикмат кўп. Маҳалла, оила, мактаб баҳамжиҳат амалга ошираётган ибратли ишлар, намунали тадбирлар қувончли самара бермоқда. Таълим-тарбия соҳасида эришаётган ютуқларимиз салмоқли. Фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда талаба ёшларимиз ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Уларнинг салоҳиятлари борган сари ошиб бормоқда. Вилоят бўйича республика истеъдод марказининг сертификатини олган, рўйхатидан ўтган саккиз ўқувчидан уч нафари бойсунлик. Информатика фани бўйича республика танловида ҳам ўқувчиларимиз совриндор бўлиб қайтишди. Истеъдодли ўқувчилар тайёрлаш бўйича биз вилоятда учинчи ўринда турамиз.

Яна бир гап. Ўтган ўқув йилида ўрта мактабларимизни битирган 655 йигит ва қиздан 130 нафари олий ўқув юртларида таълим олиш бахтига муяссар бўлди. 380 ўқувчи лицей ва коллежларга ўқишга кирди. Бу борада вилоят халқ таълимида пешқадам Республика тест маркази мутахассислари ўтказган таҳлилларда битирган ўқувчи ёшларимизнинг билими юксак даражада эканлиги алоҳида таъкидланганлигидан мамнунмиз.

Муҳими, мактабларимизда таълим-тарбия олаётган навқирон ўғил ва қизлар орасидан «Ҳизбут таҳрир» ва бошқа оқимлар таъсирига берилган бирор ўқувчи рўйхатга олинмади. Улар мустаҳкам ватанига содиқ, бунёдкор халқ ишига ҳамиша ҳозиру нозир. Бир сўз билан айтганда қаердаки мактабнинг оила, маҳалла ҳамкорлиги мустаҳкам, яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда соғлом фикрли баркамол авлод вояга етади, камол топади.

А.НОРҚУЛОВ,
Бойсун туман халқ таълими бўлим мудири.

ЮЛДУЗ - БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБИ

Жиззахлик ёш шахматчи Юлдуз Ҳамроқулова Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё шахсий биринчилиги мусобақаларида 12 ёшли шахматчилар орасида бронза медалига сазовор бўлди.

Ёш шахмат юлдузи энди Испанияда бўладиган Жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш учун бўладиган мусобақага пухта ҳозирлик кўрмоқда.

ЎзА мухбири.

ХИЗМАТ БЕМИННАТ

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ!

Кўп қаватли уй-жойда баъзи бир эътиборсиз хонадон эгаларининг айби билан қўшни хонадонни сув босиб кетиш ҳолати учраб туради ва натижада кимдир моддий ва маънавий томондан зарар кўради. Бундай салбий ҳолат уй-жойларнинг сақланиш ва хизмат қилиш сифатига кескин таъсир кўрсатади. Ана шундай ҳолатларда жабрланувчининг қонун доирасидаги мажбуриятлари нималардан иборат?

Абдусаттор Амиров,
Тошкент шаҳри.

Ким томондан бўлишидан қатъий назар қилинган айбли хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарар тўла ҳажмда айбдор шахс томонидан қопланиши шарт. Агар бу борада томонлар ўртасида ихтиёрий келишувга (зарарни қоплаш бўйича) эришилмаса, зарарни ундиришни суд орқали амалга ошириш лозим.

Уй-жойдан фойдаланиш қоидаларини бузиш оқибатида келтирилган зарар агар айбдор шахс бу ҳолатни унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлай олса, у зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этилади. Агар исботлай олмаса, зарарни тўлаши шарт.

Айтайлик, уй-жойдан фойдаланувчилар билан коммунал хизмат кўрсатиш идоралари ўртасида шартнома тузилиб, унда хизмат кўрсатиш доираси аниқ белгиланган бўлиб, зарар ушбу шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида келиб чиққан бўлса, унга йўл қўйган томон жавобгар бўлади. Масалан, сифатсиз труба ўрнатиш ёки трубанинг белгиланган талаб даражасида ўрнатилмаганлиги ёхуд истиқомат қилувчи шахс томонидан фойдаланиш талабларини бузиш оқибатида зарарнинг келиб чиқиши жавобгарликка сабаб бўлади.

Мен Н. исмли шахс билан турмуш қуриб ўн йил давомида фарзандли бўлолмадим. Шу сабабли биз ажрашдик. Ажралишдан бир йил олдин яъни, 1989 йили биз бир қизни фарзандликка олган эдик. У пайтда ёлғиз оналар фарзандликка олишга ҳақли эмасдилар. Шунинг учун болани турмуш ўртоғимнинг фамилиясига расмийлаштирдик.

Ўтган давр мобайнида мен ўзим уни тарбиялаб катта қилдим ва собиқ эрим моддий жиҳатдан бироз қийналганлиги учун ундан алимент талаб қилмадим. Мен ҳозир болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Олаётган ойлигим эўрга етиб турибди. Шунинг учун мен қизимни ўз фамилиямга олиб, ёлғиз она сифатида нафақа олмоқчи эдим. Лекин қаерга борсам «фарзандинг собиқ эрингнинг фамилиясида бўлганлиги учун у алимент тўлаши керак, қизинг эса ўн олти ёшга тўлганидан кейингина фамилиясини ўзгартиришинг мумкин», дейишаяпти. Бундай ҳолатда мен қандай йўл тутишим керак?

Тамара Абдураҳмонова,
Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани.

Ота-она вояга етмаган фарзандларига таъминот бериши шарт. Ота-она ўртасидаги қонуний никоҳ бекор қилингандан сўнг, боланинг нормал ўсиши учун ота-онадан бирининг талаби асосида алимент ундирилади.

Агар ота ёки она боланинг таъминоти учун алимент талаб қилмаса, алимент тўлови амалга оширилмайди. Лекин бундай ҳолатда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли бўлади.

Оила кодекси талабига кўра, фамилия, исм, ва отасининг исмини ўзгартириш ариза берувчи томонидан ўн олти ёшга тўлгандан кейин, у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига мурожаат этиш орқали амалга оширилади.

Нафақа масаласига тўхталадиган бўлсак, агар бола фарзандликка олинган пайтда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлса, у бу ҳуқуқни фарзандликка олингандан кейин ҳам сақлаб қолади.



Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

ҚИЁМАТДА ШАРМАНДА БЎЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.
Оллоҳ бутун борлиқ қатори инсоният оламини яратиб, унга керак бўладиган ҳамма нарсаларни ҳозирлаб, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бахтли бўлиши учун ҳамма имкониятларни яратиб берди.

Оллоҳ айтадики, билмаганингизни билганлардан сўраб ўрганинглар (Нахил, 43) ва пайғамбар а.с. орқали ҳам таълим беради, ул зотга айтилган сўз бизга айтилган бўлади. Бугунги кунларда юзага чиқаётган баъзи бузғунчи гуруҳларнинг кирдикорлари, аввало илмсизликнинг оқибатидир. Булар ўзлари билмаган ҳолда ислом динини бузяптилар. Ҳаттоки Пайғамбар а.с. сўзларига қанча ёлғон сўзларни қўшиб юборган дин бузғунчилари учрайди. Биз таянадиган Имом Бухорийга ўхшаган зотлар, уларни текшириб, энг саҳиҳларини тўплаб, бизга қолдириб кетишган. Бугун муждахидларнинг китобига ёлғон қўшилмаган, деб ким кафолат бера олади. Шуни ҳисобга олиб, кўп муждахидлар олдиндан айтиб кетганлар. Жумладан муждахидларнинг саййиди имом Аъзам Раҳматуллоҳи Алайҳ айтадилар, менинг сўзимдан олиб фатво бермоғингиз ҳаром, менинг қайси оят-ҳадисдан олганимни билмасдан туриб, менинг сўзим пайғамбарнинг энг заиф ҳадисларига тўғри келмаса ҳам олманг, деганлар. Яна бир Муждахид менинг сўзим оят-ҳадисга тўғри келмаса, деворга уринг, деган сўзни айтганлар. Демак, оят-ҳадисга тўғри келмаган сўзлар, уларнинг сўзи эмас, бу улар учун туҳмат бўлади. У зотларни қоралаб қиёматда шарманда бўлиб юрманглар.

Пайғамбар САВ айтадилар, Сизларнинг яхшингиз Қуръонни ўқиб, Қуръондан таълим берганларингиздир. Яна Оллоҳ ўз каломида, Мен Сизларга Қуръон ўқишни, маъносини осон қилиб қўйдим, борми ўқиб амал қилгувчилар деди (Қамар, 17-22-32-40).

Бугун баъзи гуруҳларнинг фикрича, жиҳод қилиш, қон тўкиш керак эмиш. Билингки, жиҳод бу қон тўкилиш эмас, яхши йўлга даъват қилиш, ёмон йўлдан қайтариш ҳам жиҳод, болачақаларни йўлга солиш, одоб-ахлоқ ўргатиш ҳам жиҳод, энг афзал жиҳод — сидқу тақво бирлан қилинган ҳаждур, дейдилар Расулиллоҳ САВ. Шундай, жиҳоднинг хили кўп.

Энди шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, жиҳод учун айтилган оят-ҳадислар динни тиклаш учун қилинган ҳукмлар, ўша даврга боғлиқ эди. Бугун, алҳамдулиллоҳ масжидлар очиқ, юртимиз тинч.

Қабул қиладиган одамга озгинаси ҳам кифоя, қабул қилмайдиган қорайиб кетган қалбга минглаб далил кўрсатсанг ҳам қабул қилмайди, қозоннинг қорасси устидан бўёқ берсанг олмагани каби. Оллоҳ таоло ўз каломининг бош қисмида (Бақара, 2-сура, 8-16) аввалида яхши одамлар, тақводорлар борлигини, кейин ҳақиқатни беркитиб кофир бўлган зотлар бўлишини ва одамлар орасида ўзини тўғриман, йўлимиз тўғри, деб оят-ҳадисга тўлиқ ишонмай, одамларни алдаб юрганлар ҳақида айтади, улар шайтоний одамлар, аммо аҳмоқ эканликларини билмайди, дейилади. Яна (Марям, 59) Пайғамбарлар давридан кейин халифалик даври келади, ундан кейин ўзгариш даври келади, дейилади.

Яна (Оли-Имрон, 162) Оллоҳнинг каломига ёпишинглар, ажралманглар, фирқа-фирқа бўлиб кетманглар, дейилади.

Пайғамбар САВ ҳадисларида (Бухорий, 2-3, 489, 383 да) кейинги замонда шундай гуруҳлар чиқади, ўзлари ёш, аммо гапга чечан, оят-ҳадисдан гапиради, аввалида фикрлари ахмоқона, улар диндан камондан ўқ отилгандек тез чиқурлар, имонлари бўғзиларидан нарига ўтмагай, улар ўлимга ҳукм қилинганлар, негаки, ҳамма ёшларни чалғитиб, диндан чиқаради, бузуқ фикрлари билан оят-ҳадисга қарши иш олиб борадилар, дейилади.

Буларнинг иймонсизлиги жуда яққол кўриниб турибдики, ота-онага итоат йўқ, катталарга ҳурмат йўқ, нопоклик, жирканч ишларга берилган ёшлардандир, ҳатто Пайғамбар САВ ота-онанг изн бермаса жиҳодга чиқмасдан уларга хизмат қилгин, уларнинг розилигини олгин, дейдилар. (Бухорий, 2-том, 291-бет. 1, 2, 3-боблар. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят).

Диндаги байъот - бу сўз бериш, фақат Оллоҳга ва уни расулига сўз билан ва амал билан. Калимаю тойиббани астойдил айтса ва унга амал қилса байъот, намоз ўқиса байъот, Қуръон ўқиб амал қилса байъот бўлаверади. Оллоҳ ўз каломида бир нечта оятлар билан нажот топган мўминларни баён қилиб қўйди (Мўминун, 1-11), у ерда жиҳодни гапирган ҳам йўқ ёки бўлмаса кофирларга сизни динингиз сизга, меники менга дегин деди, уларни ўлдиргин демади. Ёки Оллоҳнинг сўзини етказинглар, хоҳласа мўмин бўлсин, хоҳласа кофир бўлсин, дейди (Каҳф, 29). Динга куч билан киргазиш йўқ, қўрқиб кирган дин дин бўлмайди. Оллоҳдан қўрқса унинг ўзи киради. Бу гуруҳларнинг фикрича, гўёки Халифа ҳамма ишни қилади. Пайғамбарлар қилолмаган ишларни ҳам, Оллоҳ хоҳламаган ишни ҳам қилаверади. Оллоҳ хоҳишидан бўлак ишни қилиш осон эмас, бўлмайди ҳам. Бундай фикрий-ҳаёлий сўзлар билан алданиб ва бошқаларни ҳам алдамаглар.

Оллоҳ таоло биронта бандасининг дўзахга тушишини хоҳламайди, доим мағфиратга чақиради, аммо одамлар бу чақирувни қабул қилмайдилар.

Оллоҳ Қуръонда ҳамма қонун-қоидаларни кўрсатиб, буюриб қўйган, бу тўғри йўл, бу эгри йўл, бу жаннат йўли, бу дўзах йўли ва бу савоб йўли, бу гуноҳ йўли, деб. Унга амал қилмоқлик - икки дунё саодати йўлидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 560 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Абдукодир ХАЙИТМЕТОВ

НАВОИЙ ЯШАГАН МАҲАЛЛА

Мен 1972 йил Наврўз байрами кунлари илмий сафар муносабати билан Ҳиротда бўлганимда, Навоий қурган ўша тарихий биноларнинг харобалари ва изларини ўз кўзим билан кўрган эдим. Шоир асарларида тасвирланган Инжил ариғи тўлиб оқар, узоқда Гозургоҳ ва ундаги дарахтлар ҳам ғира-шира кўриниб турарди. Лекин мен ўшанда Ҳирот четидаги Навоий яшаган Марғани маҳалласининг тупроғини босиб турганимни кейин билдим...

Мен кўп йиллардан буён улуғ шоир ва давлат арбоби, олим, фан ва маданият ҳомийси Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳамда ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борар эканман, кунларнинг бирида унинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг учинчи мажлисида маҳаллалар хусусидаги қуйидаги маълумотга дуч келдим:

«Дўстмуҳаммад - Марғани маҳалласидиндур. Ҳам шеърга, ҳам муаммоға таъби яхшидур. Бу матла анингдурким:

Балост аз ту ба дил ҳар замон жафойи дигар;
Жафоки, бар дигари мекуни - балойи дигар.

(Мазмуни: Ҳар дамда менга қилган жафоларинг менинг дилимга бир балодир; бошқаларга қилган зулмларинг ҳам мен учун балоларнинг янгича хилларидир).

Шундан сўнг Навоий Дўстмуҳаммаднинг «Сафий» деган исмли битилган бир муаммосини келтирган.

Дўстмуҳаммаддан кейин эса Ҳасанали деган шоирга тўхтаб, у: «Бу Дўстмуҳаммадга қаробатдур», - деб ёзади ва унинг иккита шеърини мисол келтиради.

Мен бу сатрларни ўқир эканман: - Навоий ажойиб-да! У ўз тазкирасида ўрганаётган шоирининг қайси маҳаллада яшашига ҳам эътибор бериб-ди-я! - деб қўйдим ичимда. Айни вақтда менда маълум вақтдан кейин:

- Навоийнинг ўзи Ҳиротнинг қайси маҳалласида яшаган бўлиши мумкин? - деган савол ҳам пайдо бўлди. Мен бу саволга жавобни унинг «Вақфия» номли асаридан топдим.

Аввало шуни айтиш керакки, Навоий гарчи Ҳиротда туғилган, болалик, сўнг йигитлик даврларини шу ерда ўтказган бўлса ҳам, аммо унинг ота-боболардан қолган ҳовли-жойи қаерда бўлгани ҳозиргача бизга аниқ маълум эмас. Лекин бир ҳақиқат шундан иборатки, Ҳирот тахтини Абулқосим Бобурдан сўнг 1457 йили Абу Саид Мирзо эгаллар экан, бу даврда Навоий Машҳад мадрасаларидан бирида ўқир эди. У ўқишини маълум бир ерга етказиб, 1464 йили Ҳиротга қайтганда, подшоҳ таъқибига учраб, ниҳоятда оғир турмуш кечирган. У фақат озиқ-овқат масалаларида эмас, ҳатто яшаш жойи хусусида ҳам қийин аҳволда бўлган. Бу тўғрида у устози Саййид Ҳасан Ардашер номига ёзган шеърий мактубида қуйидаги мисраларни битган:

Уйи нотавон кўнгли янглиғ бузуқ;
Бу уй ичра андуҳу ғам - бир озуқ.

Шундан кейин у Самарқандга кетиб, Ҳиротга 1469 йили март ойларида қайтган. Маълумки, шундан сўнг Ҳусайн Бойқаро унга аввал саройдан муҳрдорлик вазифасини берган. 1472 йили эса уни Хуросон давлатининг бош вазири этиб тайинлаган. Ҳусайн Бойқаро Навоий билан болалик даврлаи анбарга таънасоз тоғе воқеъдур, анинг этагидаким, жанубий хадди бўлғай, бу тоғ била маъмураи мазкуранинг мобайнида воқеъдур». (Ўша нашр, 256-саҳ).

Бу жумла «Вақфия»нинг 1991 йил нашрида ҳозирги ўзбек тилига қуйидагича табдил этилган:

«Бу ер салтанат марказининг жаннат боғи сингари безакли ва Байтул-ҳарам каби шарафли, фахрли

ҲИРОТ. Навоий қабри. Навоий қаздирган Инжил ариғи. 1972 йил март ойи.

Муаллиф олган сурат.

ридан дўст ва ўртоқ эди. У Навоийнинг давлатни бошқариш ишларидан мамнун бўлиб, ҳижрий 881 йили (Мелодий 1477-1478 йиллар) унга Ҳиротнинг Шимол томонидан аввало жамоат аҳамиятига эга бўлган иморатлар, қолаверса шахсан ўзига ҳовлижой қуриши учун каттагина жой ажратиб беради. Бу ҳақда Навоий «Вақфия» асарида қуйидаги маълумотларни берган: «Ва ул беқои хайр (хайрли иморатлар) жумласидин бири будурким, тарих саккиз юз саксон бирдаким, ул Ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро) Кўшки Марғани ёнида бу фақир (яъни Навоий)ға саро(й) ва ҳавли ясағали ер иноят қилди ва бу фақир анинг иморатиға машғул бўлдум» (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том, Т., 1998, 256 саҳифа).

Демак, Навоийга подшоҳ томонидан хайрия бинолар ва ўзига шахсий уй-жой қуриш учун ажратилган ернинг расмий номи «Кўшки Марғани» бўлган. Бунда «Кўшк» сарой, «Марғани» марғ беган ўсимлик ўсадиган жой номини англатган. «Марғ» сўзи қалин ва шохчалари кўмкўк, нозик бўлиб ўсадиган ўсимликнинг номи бўлиб, «Марғзор» сўзи эса ўтлар яхши ўсадиган ерни англатган. (Муҳаммад Ғиёсуддин. «Ғиёсул-луғот», жилди 2, Душанбе, 1988, саҳ. 249, 251).

Навоий бу маҳалланинг жўғрофий ўрнини Ҳирот ва унинг Шимол томонидаги Гозургоҳ деган хушҳаво ва табаррук манзилга нисбатан қуйидагича белгилаган:

«Ва алҳақ ул ередур, Ҳирот дорус-салтанатининг равзаи эрам зийнатлик ва байтул-ҳарам манзалатлик балдаи фохирасининг шимол хаддидаким, Гозургоҳнинг ушоқ тоши лаъли кони ва гавҳари уммониға танноз ва қаро тупроғи мушки азфар ва табшаҳар - Ҳиротнинг шимол томонида эди. Унинг этагида, жанубий чеккаси - Гозургоҳда майда тоши лаъл кони ва денгиз гавҳари янглиғ нозик ва қора тупроғи ўткир ҳидли мушк хушҳид таблага таъна қиладиган тоғ бор» (Алишер Навоий. «Вақфия», Т., 1991, 58-саҳ). Бундан қуйироқда эса Навоий ўзи турган ҳовлининг шу маҳалладаги ўрни ҳақида: «Бу Марғани кўшки мана шу ўралган ҳовлининг жанубий чегараси билан ғарбий чегарасининг ўртасида эди» - дейди. (Ўша китоб, 59-саҳ). Бу ҳовлида Ҳусайн Бойқаро ва бошқа машҳур одамлар кўп марта меҳмон бўлганлар ва ажойиб суҳбатлар қурилган.

Бу асарда яна маълум қилинишича, Навоий қурган ва жаҳонга машҳур «Ихлосия» мадрасаси, «Халосия» хонақоси, «Дорул-ҳуффоз» номли иморати ва бошқалар ҳам шу ерга яқин бўлган. Хусусан, бу мадраса ва хонақоҳ қадимда қайсидир бир амалдор томонидан қурилган ва бу вақтга келиб хароба ҳолига келган «Кўшки Марғани»нинг ўрнига барпо этилган экан. Навоий ёзишича, Инжил ариғи ҳам шу ердаги иморатлар орасидан оқиб ўтган. Хулоса қилиб айтганда Навоий Ҳиротнинг Марғани маҳалласида яшар экан, у ерни шаҳарнинг энг гўзал бир мавзеига айлантирган. Шоирнинг кўпгина улуғ асарлари ҳам шу маҳаллада дунёга келган.

Демак, юқорида номлари тилга олинган шоирлар - Дўстмуҳаммад ва Ҳасанали Навоийнинг қадрдон қўшнилари, яқин ҳамсуҳбатлари бўлишган. «Мажолисун-нафоис» таскирасини тузаётганда эса Навоий бу шоирларнинг номларини ҳам унда қайд этишни ўз бурчи деб билган. Бу ҳам шоирнинг ўзи яшаган маҳаллага ҳурматидан эди.

АЁЛ ФАОЛИЯТИНИНГ УЧ ҚИРРАСИ

Қадимги ҳикматларда айтилишича, ҳар бир инсон бу дунёда ўз орзу-ниятига яраша мукофотга эга бўлар экан. Яъни, яхши эзгу орзуларга интилиб, олижаноб инсонлардан ибрат олиб яшаган инсон ҳамиша бахту иқболга мушарраф бўлади.

Буни бугунги кунда биз билан ёнма-ён яшаётган кўпдан-кўп юртдошларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Ҳикоямиз қаҳрамони ана шундай инсонлардан бири Нуринисо Тожихоновадир. Агар у қишининг ҳаёт йўлига назар ташласак, учта асосий йўналиш у киши учун ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келганини кўрамиз. Биринчиси - хонадон соҳибаси, оила бекаси сифатидаги фаолияти. Иккинчиси - педагог-раҳбар сифатидаги фаолияти. Учинчи - жамоат фаоли сифатидаги фаолияти. Албатта, бу фаолият йўналишлари ичидан уй бекаси сифатидаги хизматларини биринчи ўринга қўйганимиз, балки, кимларнидир бироз таажжубга солар. Лекин бугунги кунда, айниқса, «Оналар ва болалар» йилида бунинг ҳеч таажжубланадиган жойи йўқ. Қолаверса, биз аёл кишига аввало муҳтарам она, меҳрибон ёр сифатида баҳо берамиз.

У киши 1996 йили пойтахтдаги 121-ўрта мактабга директор этиб тайинланганида илм даргоҳи анча ачинарли аҳволда эди.

Шунинг учун мактабга директор бўлиб келгач, ишни маҳаллалар билан алоқасини мустаҳкамлаш, ота-оналарни тарбия жараёнига жалб этишдан бошлади. Тўрт йилдирки мактабда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатчилик ва ҳуқуқ асослари махсус дарс сифатида ўқитилмоқда. Худди шунингдек, Ойбек ва Бобур номли маҳаллаларда яшовчи ота-оналар ташаббуси билан Низомий номидаги Педагогика университети, Жисмоний тарбия ва спорт институтидан профессор-ўқитувчилар келиб, мактабда дарс бера бошлади. Бугунги кунда мактабда 2 та биринчи тоифали ўқитувчи дарс бермоқда.

- Мактаб ва маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик айниқса ўқувчиларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда, уларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларни сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди Нуринисо Тожихонова. - Чунки болалар маҳаллалар мисолида урф-одатларимиз, анъаналаримиз маъносини ҳис этади, ҳаётий тажрибалар орттиради.

Кўриб турганимиздек, Нуринисо опанинг бир инсон, бир раҳбар, бир она сифатидаги ҳаёт фаолияти ибратга, ўрнакка муносибдир.

Зебонисо НУРИНБОЕВА.

КУЛИНГ...

ПОСТДА турган милиционерга бир киши арз қилди:
- Ёрдам беринг, қўлимдаги олтин соатимни анави муюлишда ўғри ечиб олди.
- Нега ёрдам сўраб бақирмадингиз?
- Оғзимни очишга қўрқдим, нима, оғзимдаги олтин тишларимни ҳам суғуриб олсими?

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

БАШОРАТЧИ:
- Сиз мендан иккита нарсани сўрашингиз мумкин. Ҳар бир саволингизнинг жавоби учун 500 сўмдан.
- 500 сўмдан! Ахир бу жуда қиммат эмасми?
- Бўлиши мумкин. Иккинчи саволга ўтинг.

МЕБЕЛ МАГАЗИНИДА
- Кеча сиздан стул сотиб олган эдим, бугун синиб тушди! - деб шикоят қилди харидор.
- Бирон киши ўтиргандир-да, - деди сотувчи бепарво.

СКАНВОРД



Тузувчи А. БЎРИЕВ.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқаруви Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Бўстон Достонович Эргашевга падари бузруквори Уруш ва меҳнат фахрийси

Достон ота ЭРГАШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Янгийўл туманидаги Муқимий номли 17-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Курбонов Арипбек Алтимбекович номига берилган АУ - 278698 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

бекор қилинади.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Наабатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
С. ХОНКЕЛДИЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди—2[illegible].30